Абдулла Орипов,
Ўзбекистон Қаҳрамони

УСТОЗЛАРИМ

Менинг устозларим —
Аҳли шуаро,
Руҳимнинг оҳанги — сурудидасиз.
Биринги китоблар бағридасиз жо,
Биринги Чиғатой ҳудудидасиз.

Неларни кўрдингиз?
Олдда нелар бор?
Менга очмадингиз дилларингизни.
Энди мен англадим, Сиз чору ночор
Ўтибсиз у шонли йўлларингизни...

Ҳасаду хусумат
Эзмасин нечоқ,
Сиз шеърдан олибсиз аламни доим.
Олис кечаларда айлабсиз чароқ
Куйиб кўмир бўлган қаламни доим.

Бахтиёр кунларни куйла, деган он,
Шиорлар битибсиз қонингиз билан.
Ўзи йўқ қўрғонга бўлибсиз қалқон,
Соддадил фидойи жонингиз билан.

Номард бу дунёнинг кирдикорлари
Яхшидир, ёмондир — ишингиздадир.
Армонлар, узрлар кетдилар бари,
Кетдингиз — дардингиз ичингиздадир.

Марҳум устозларим,
Раҳматли зотлар,
Энди сиз тинч ётинг маконингизда.
Ўкинманг маломат қилсалар агар,
Абадий бардош бор имконингизда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Улуғбек Ҳамдам

ВОҚЕЛИКНИНГ ЯНГИЧА БАДИИЙ ИДРОКИ

Асримиз аввалидаёқ бир-биридан фарқ қилувчи дунёқараш ва мафкуранинг мавжудлиги адабиёт, хусусан, шеъриятнинг ижтимоийлашувига қулай замин ҳозирлаганди.

Тахминан, 30-йиллардан 50-йилларнинг сўнгигача бўлган вақт ўзбек ижтимоий поэзиясида алоҳида бир даврни ташкил этади, дейиш мумкин. Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Шайхзода, Миртемир каби шоирларнинг бир талай шеърлари шу давр ижтимоий шеъриятида муҳим ўрин тутади.

Адабиётшунос олим Қ.Бойбеков ушбу давр шеъриятини қуйидагича изоҳлайди: «Агар 20-йилларда бадиий ижод виждон иши ҳисобланиб, адабиётнинг ижтимоий қиёфа касб этиши фақат миллатпарвар ижодкорларнинг шахсий истаклари туфайли рўй берган бўлса, 30-йилларга келиб, ижод ғовий-сиёсий фаолиятга айланди». Шунга қарамай, олим бу даврда чинакам адабиётга дахлдор шеърлар ҳам ёзилганини тўғри қайд этади. дарҳақиқат, 30-йилларга келиб, Ўзбекистон ҳам СССР деб аталган собиқ империянинг «ажралмас» парчасига айланиб, Шўро давлати эса ўзининг ички ва ташқи рақибларини енгиб улгурганди. Эндиги бутун ҳаракат шу янги ва яхлит мамлакатнинг ҳимояси, мустаҳкамланиши ва ривожланишига қаратилганди. Албатта, буларнинг ҳаммаси совет мустамлакачилари манфаатига кўра режали асосда босқичма-босқич амалга оширила борди. Натижада иқтисодий беш йиллик режалари ўйлаб топилди ва уларнинг рўёбга чиқарилишига зўр берилди. Режалар бўйича мамлакат индустрлаштириш, электрлаштириш, коллективлаштириш каби ўнлаб умум ишларга жалб этилди. Жарёнда шоир ҳам четда қолмади, қололмади. «Курашади икки тўлқин, Қараб турайми? Ёш тарихнинг темир қўлин Кетга бурайми?» дея ўзига ўзи савол бера бошлади у.

Икки тўлқиннинг бири советларга қарши курашганлар бўлса, иккинчиси советларнинг ўзлари эди. Бири ота-боболар тутиб келган «эски ҳаёт» бўлса, иккинчиси империя хоҳишидаги «янги ҳаёт» эди. Шоир юқорида ўзига-ўзи берган саволга ниҳоят, жавоб беради: «Йўқ!... Болғалар пўлат сафи Ила бораман. Ёнғин, кураш, жанглар сари кўкрак очаман» (Ойбек).

Ҳа, шоир ўзгараётган ҳаётга овоз бермоқда. Бу унинг фуқаролик танловидангина эмас, айни чоғда, худди Маяковский каби шоир сифатида даврнинг шиддатли ритмини куйламоққа ҳозирлигидан-да дарак бераётган эди. Нафақат Ойбекнинг бу даврда ёзилган ўнлаб, юзлаб шеърлари, балки Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, Шайхзода, Миртемир, У.Носир, Зулфия сингари шоирларнинг ҳам кўплаб шеърлари афсуски, шу руҳ билан суғорилган. Бироқ бадиий савиясига кўра уларни икки гуруҳга ажратиш зарур бўлади. Биринчи гуруҳга, юқорида таъкидлаганимиздек, даврнинг сиёсий-ижтимоий, ҳатто кундалик ташвишларига ҳозиржавоблик тарзида ёзилган шеърларни киритиш мумкин. Эътиборга олмоқ керакки, улар сон жиҳатидан кўпчиликни ташкил этади. Бундай шеърларни Ғайратийдек ижодкорлардан тортиб, кўнгил поэзияси намояндалари — Ойбеку Ҳамид Олимжондек шоирлар ижодида ҳам истаганча учратиш мумкин. Бу хил шеърларнинг урчиб кетганлиги эса икки сабабга кўра изоҳланади. Биринчидан, даврнинг қайноқ нафасини шеърга олиб кириш (бармоқ вазнидаги шеърга!) шоир учун бир қадар янги, ўзлаштирилмаган йўл эди. Чўлпон тажрибаси мавжуд бўлса-да, 20-йилларнинг охири ва 30-йилларда бу шоир бошига тушган тазйиқ ва таъқиблар унинг ижодидан ўрганишни сезиларли даражада чеклаб қўйганди. Ойбекнинг устозини ҳимоя қилишга «чоғланиб кўргани» бежиз эмасди... Иккинчидан, ўз даврининг бир парчаси бўлган шоир ўзи тизаётган ҳар қандай ижтимоий мазмун акс этган машқларни янги шеърият намунаси, деб ишонди ва ёзишга зўр берди.

www.ziyouz.com kutubxonasi



Ғафур Ғулом адиблар даврасида

Бироқ буларнинг барчасидан қатъи назар, шеърият ўзининг азалий ўзанларидан бутунлай оғиб кетмади. Натижада нафақат муҳаббат лирикаси, балки интимлик жиҳатидан ишқий шеърият билан бир қаторда тура оладиган ижтимоий поэзия ҳам дунёга келди. Булар иккинчи гуруҳни ташкил этади.

Ватанимиз — Ўзбекистон тўғрисидаги илк муваффақиятли шеърлардан бири, шубҳасиз,Ойбекникидир:

Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор.
Бир ўлкаки, сал кўрмаса, қуёш соғинар...

Бундай мисраларни яна унинг «Қуёш қўшиғи», «Машраб», «Шоир билан суҳбат», «Наъматак» каби шеърларида учратиш мумкин.

Ғафур Ғуломнинг «Турксиб йўлларида», «Санъатим», «Сарҳисоб», «Сен етим эмассан», «Соғиниш», «Вақт» каби, Ҳамид Олимжоннинг «Бахтлар водийси», «Ўзбекистон», «Ўрик гуллаганда» сингари, Усмон Носирнинг «Нил ва Рим», «Қора сатрлар», «Таъзим», «Қушча» янглиғ, шунингдек, Миртемир, Шайхзода, Зулфияларнинг бир қанча шеърларида чинакам ижтимоий поэзияга хос бадиий тафаккур маҳсулларини кўриш мумкин. Албатта, юқорида саналган айрим шеърларда ўша даврнинг сиёсий кайфиятига ҳамоҳанг мисралар ҳам мавжуд. Бироқ уларга давр тақозоси сифатида қараб, шеърларни санъат асарлари ўлароқ тадқиқ этишга киришсак, сезамизки, ҳар битта асар 30-50-йиллардаги ўзбек ижтимоий шеъриятида ўзига хос аҳамиятга эгадир. Чўлпонда ҳимоя этилган, Ойбек ва Ҳамид Олимжонда тараннум этилган Ватан мадҳига бағишланган шеърлар занжирини олайлик. Ахир, Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон ватаним маним» ёки Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» сингари ўзлигимиз, юртимиз ҳақидаги юксак тароналар айнан юқоридаги анъаналарнинг давоми сифатида дунёга келган-ку! Чунки шеъриятда «Ватан» мавзуси ўзи-ўзидан юзага келган эмас, балки бадиий тафаккур тарзида муайян ҳаракат-ўзгаришнинг маҳсули бўлиб туғилган. Инсоннинг ўзи яшаб турган маконни Ватан даражасида англаши учун ҳам у ана шундай ижтимоий-сиёсий жараёнларни бошдан кечирган бўлиши зарур.

Кўринадики, ижтимоий мавзулар ҳам интимлик касб этиши мумкин экан. Бунинг учун ҳар қандай мавзу шоир бадиий тафаккури маҳсули сифатида кўнгил призмасидан ўтиб қоғозга тушган бўлиши шарт. Акс ҳолда энг интим ҳисобланган муҳаббат мавзусида ҳам таъсирчан, бадиий юксак шеър яратиш мумкин эмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ғафур Ғуломнинг «Турксиб йўлларида» деган шеъри мавзусига кўра ҳам, шаклига кўра ҳам, ҳатто атрофни бадиий идрок этиш услубига кўра ҳам янги ижтимоий шеърнинг бақувват намунасидир. Албатта, шеърнинг шўролар империяси манфаатларига уйғун тушадиган мисраларидан кўз юмолмаймиз. Бироқ тан олиш керакки, булар асарнинг ифодавий янгилигини йўққа чиқара олмайди:

Бу йўллар
кўп қадим йўллардир...
Жаҳоннинг фотиҳи Искандар,
Рум қайсари,
Қотил Чингиз,
Боту, Жўжи,
Темурланг қолдириб кимсасиз из.
Чиндан мўғул ўчи
борлиқни
жонлига қилиб танг,
— Қон! — дея —
— Қон! — дея —
босароқ кечмишдир...

Албатта, шеърда бир қарашдаёқ кўзга ташланадиган сакталиклар мавжуд. Чунончи, мантиқий изчиллик бузилган. Темурдан олдин ҳам, кейин ҳам мўғуллар эсланади. Ҳолбуки, биринчи эслаш етарли эди. Тарихий ҳақиқат шундан иборатки, Амир Темур мўғуллар ҳукмронлигига нуқта қўйиб, мамлакат ҳаётида янги даврни бошлаб берган. Бас, шундай экан, Темур ҳақидаги мисрадан сўнг яна уларга «қайтиш» мантиқан ўзини оқламайди. Темурга «бағишланган» мисрага эса қўшилиб бўлмайди. Қолаверса, «Чиндан мўғул ўчи борлиқни жонлига қилиб танг» деган мисра шеърий маромга етмаган, ғализ. Лекин шунча чалкашликларга қарамай, асарнинг умумий руҳи борки, ўқувчини ўз орқасидан эргаштира билади. Биз гўё шеър мисралари — зинапоячаларидан аста тарих қаърига тушиб бораётгандек бўламиз: бирма-бир қадим Туркистон бошидан кечирган мозийнинг улкан саҳифаларига дуч келамиз. Шеърнинг ифода йўсини айни мазмунга ғоят мувофиқ бўлганидан ўқишда давом этамиз:

Бу йўллар
кўп қадим йўллар,
Беш миллион,
ўн миллион,
юз миллион нафар
қуллар ва туллар,
Гарданда чўяндан қуйилган занжир,
Ерларда ҳашорат каби
Очликдан,
зорликдан гезариб лаби,
Ожиз,
маҳкум,
хор ва бетадбир:
— Нон! — дея,
— Нон! — дея
суриниб кечмишдир..

Шеър тобора сакталиклардан холи ўлароқ изчил мантиқ билан салобатли давом этмоқда. Эътибор берган бўлсангиз, қофияланиш тартиби ҳам ўзига хос: ички, ёндош, жуфт, ниҳоят, айланма қофиялар шеърнинг яхлит интонацион бутунлигини таъмин этган. Биринчи бандда очиқ қолган «Қон! — дея, Қон! — дея босароқ кечмишдир» деган сўнг мисра ажойиб бир тарзда иккинчи байтнинг охирги мисраси билан қофиланади: «Нон! — дея, Нон! — дея суриниб кечмишдир». Бу янглиғ қофияланиш тизими мазмунан ва ҳажман кенг кўламли шеърни сочилиб, пароканда бўлиб кетишдан сақлаган. Албатта, шоирнинг «бу қадим йўллардан илгари ўтган қайсики ҳукмдор бор, қайсики мафкура бор, ҳаммаси ёвуз, қонхўр, мана, ниҳоят, «порлоқ из» қолдириб пролетар ўтаяпти» қабилидаги фикрларига қўшилиб бўлмайди. Бироқ шеър эътиборни шу жиҳатдан тортадики, унда йўл баҳонасида қадим Туркистон мамлакатининг бутун

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошли тарихи, бугуни ва келажаги бадиий жиҳатдан идрок этила бошлайди. Идрокнинг субъективлик даражаси бошқа масала. Муҳими, ўзбек шеърияти воқеликни бадиий англашнинг янги йўлларидан юришга ҳаракат қилаётган эди. «Турксиб йўллари», Ҳамид Олимжоннинг «Бахтлар водийси» (гарчанд бу шеър ҳам бирёқламалигу субъективликдан холи бўлмаса-да) сингари бир қанча шеърлар ана шундай ҳаракат намуналари эди.

1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши ва 50-йиллардаги Тикланиш даври ўзбек шеърияти бадиий тафаккурида 20-йиллардаги ва ҳатто 30-йиллардаги қадар силжишни бера олмади.

20-йилларда Ватан озодлиги ғояси билан йўғрилган шеърлар бадиий тафаккур даражасини белгилаган бўлса, 30-йилларда асосан кўнгил шеърияти —медитатив шеърият шундай вазифани бажарди. Уруш ва ундан кейинги 10-15 йил давомида яратилган шеъриятнинг ўзбек шеърияти бадиий тафаккур тадрижида сезиларли ҳалқа бўлолмаганини эса қуйидаги сабабларга кўра изоҳлаш мумкин:

— Аввало, бу вақтга келиб, ижодкор олдига ҳукумат томонидан қўйилган вазифанинг салмоғи ва жавобгарлиги ўн чандон ошди. Чунки ижодкор халқни урушга, душманга қарши руҳлантирмоғи керак эди. Вазифа қанчалик муҳим ва долзарб бўлмасин, бундай паллада ижодкор ўзини руҳий-психологик жиҳатдан эмин-эркин ҳис эта олмайди. Натижада шоир бадиий тафаккурда олға босиш ва янги-янги кашфиётлар қилиш ёки ҳеч қурса, шунга уриниш ўрнига зиммасидаги улкан топшириқни бажариш билан машғул бўлди. Ғафур Ғуломнинг «Мард йигитлар қаноти», «Талон-тарож қилинган ерда», «Салом ва табрик», Миртемирнинг «Бешотар», «Салом хати», «Ўч», Ойбек, Ҳамид Олимжон, Зулфия каби шоирларнинг ҳам бир қатор шеърлари ана шу тарзда дунёга келган. Албатта, бу вақтда Ғафур Ғуломнинг «Соғиниш» каби дардчил, Ҳамид Олимжоннинг «Қўлингга қурол ол» сингари оташин ҳарорат билан йўғрилган шеърлари ҳам ёзилди. Айниқса, Ғафур Ғулом шеъридаги:

Не қилса отамен, мерос ҳиссиёт...
Жондан соғинишга унинг ҳаққи бор.

Кутаман узоқдан кўринса бир от,
Келаяпти, дейман кўринса ғубор...

янглиғ мисралари шуни кўрсатадики, уруш ва унинг залворли қайғу юки ҳақиқатан-да шоирнинг юрак-бағрига кириб борган. Эл бошига тушган мусибат, ташвиш шоир қалбидан ўтиб шахсийлашган (персонификация ҳодисаси). Айни ўринда татар шоири Мусо Жалилнинг уруш йилларида ёзилган ўтли шеърларини ёки америкалик машҳур ёзувчи Эрнест Хемингуэйнинг «Алвидо қурол!» асарини эслаш жоиз. Бу тип асарлар урушни ўз кўзи билан кўрган, унинг ёвуз табиатига гувоҳ бўлган хассос ижодкорлар томонидан ёзилади. Ўзбек адабиётида эса уруш сийратини очиб кўрсатувчи шоҳона асарлар уруш ва ундан кейинги ўн-ўн беш йил мобайнида деярли яратилмади. Борлари ҳам ўз даври чегараларидан ошиб ўтолмади.

Демак, ҳар қандай яхши асар воқелиги, пафоси, аввало, ижодкор қалбидан ўтиши, унда шахсийлашуви зарур экан. кейин эса у қоғозга тушиб, ўқувчи юрагини ларзага солишга қодир бўлади.

37-йил қатағони ижодкорни анчагина ҳушёр бўлишга мажбур этган эди. Бунга Ғафур Ғулом, Миртемир, Шайхзода каби шоирлар ижодини кузатиш орқали гувоҳ бўлиш мумкин. Ҳатто 20-30-йилларда талай символистик шеърлари билан адабий жамоатчилик диққатини ўзига жалб этган ва Чўлпонга маломат тошлари ёғдирилганда янги бадиий тафаккур оқимининг бошида турган, устозини ҳимоя қилиб мақолалар ёзган Ойбекдек шоир ҳам уруш ва ундан кейинги ўн-ўн беш йил мобайнида ижтимоий-сиёсий ҳозиржавоб, мафкурабоз тизмалар тизишдан ўзга чора тополмади.

Қолаверса, мамлакатда кетма-кет равишда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар, айниқса, уруш ва унинг ташвиши ҳамма қатори шоирни ҳам бир қадар довдиратиб қўйган эди. Атрофда нима воқеалар содир бўлаётганини англаб, идрок этиш учун ижодкорга замон маъносидаги масофа керак эди. Шоирнинг воқеалар бўрони ичида туриб, улар ҳақида тўлароқ, чуқурроқ, аниқроқ гапни айтиши мушкул эди.

Шунга қарамасдан, ўзбек шеъриятида атроф-муҳитни, дунёни янгича бадиий идрок этиш ҳаракати 30-йилларда ўзининг навбатдаги босқичига ўтган эди, дейиш мумкин. Ғафур Ғулом мана шу ҳаракатнинг фаол ва ғоят маҳсулдор вакили эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

МАНГУЛИК

Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллигига

Абдулла Орипов Устозларим 1
Ғафур Ғулом. Ассалом 93
Ғайбулла Асадулла қори ўғли. Ғафур Ғулом ҳузурида уч кун 94
Сувон Мели. Ойбек кўзи билан — Ғафур Ғулом драматургияси ҳақида ўйлар . .100
Эзгулик элчиси. Олмос Аҳмедова билан журнал муҳаррири суҳбати 106
Улуғбек Ҳамдам. Воқеликнинг янгича бадиий идроки 109

ЁЗУВЧИ ЁН ДАФТАРИДАН

Алиназар Эгамназаров. Маҳалламни қўмсайман 5

АСРЛАР,АСАРЛАР

Маъруф Жалил. Алп Эрхон ёхуд Афросиёб қиссаси 11
Маҳмуд Тоиров. Отамнинг ўкинчи.Достон 113

ТАБАРРУК ТУҲФА

Иброҳим Муҳаммад. Хаттот. Қисса. 37

ШЕЪРИМ, СЕН ЛАЙЛИ

Миразиз Аъзам. Тоғ бўлсин эътиқодинг 80
Исмоил Тўхтамишев. Ширин хаёлларга ошноман бир зум 84
Даврон Ражаб. Олма гулини ҳидладим тўйиб 86

ШАХС ОЛАМИ

Эркин Самандар.Тарих ва талқин 88

ШАРҚ ТАФАККУРИ

Нодир ҳикоятлар, ҳикматли сўзлар 125

ЎЙЛАШНИ ЎРГАНАМИЗ

Тоҳир Малик. Жиноятнинг узун йўли. Рисола. 134

АДАБИЙ ДАВРА

Улуғбек Абдуллаев.«Хулагу тахти» учун кураш 143
Ҳурматжон Фикрат. Навоийнинг ишқ қараши 147
Сулаймон Ҳайдар. Навоий ғазалларига мухаммаслар 148
Салима Умарова. «Ҳеч ким бир-бирининг кўнглига бормас» 154

ГУЛҚАЙЧИ

Юсуф Файзулло. Ҳашар.Ҳажвия 157
«Замондош» бурчаги.Замондош «бешлик»ларидан 159

Безовчи рассом Раҳима Қўнғирова

Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. * Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. * Ойнома матбаасасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент-29, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. * Обунага монеълик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тукдирда Тошкент — 700000, Амир Темур тор кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 10.02.2003 й. Босишга рухсат этилди 24.03.2003 й. Қоғоз формати 70x108$^{1}/_{16}$. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 10. Шартли босма табоғи 14. Шартли-рангли босма табоғи 14,7. Нашриёт ҳисоб табоғи 15,4. Адади 1200 нусха. Буюртма № 4437.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРХДА
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси,
700000, Тошкент шахри, Буюк Турон кўчаси, 41.

© «Шарқ юлдузи» 2003-йил. Биринчи фасл.

www.ziyouz.com kutubxonasi